

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 33 (11.094)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида давлатимиз раҳбарининг 2007 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифалардан келиб чиқадиган қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг асосий йўналишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Кеча республика Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида «Коммунал хизмат кўрсатишнинг бугунги аҳволи ва мавжуд муаммолар» мавзусида семинар ўтказилди.

● «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида республика «Камалак» болалар ташкилотининг II раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосан ташкилотнинг бир йиллик ҳисоботи ва раёсат аъзолари таркибига ўзгартириш ҳамда кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

● Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг 2007 йилдаги фаолияти якунлари ва жорий йилдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Қорадарё бўйлаб эни 16, узунлиги 240 метр бўлган кўприк қурилиши бошлаб юборилди. Балиқчи ва Олтинкўл туманларини бир-бири билан боғлайдиган ушбу кўприк битказилгач, ораликдаги масофа 50 километрга қисқаради.

● Қарши шаҳрида Project НОРЕ «Оналар ва болалар саломатлиги» («Репродуктив саломатлик») дастури «Соғлом оила» лойиҳасининг Қашқадарё вилоятида татбиқ этилиши бўйича тadbир ўтказилди.

● Навоий Кон-металлургия комбинатининг Зафарободдаги 5-кон бошқармасида мамлакатимиз ва Ҳамдўстлик давлатларида олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларини битирган ёшларнинг қорхона раҳбарияти билан учрашуви ташкил этилди.

● Қизилтепа Марказий дехқон бозорига туман ҳокимлиги ва Навоий вилоят бозорлар уюшмаси кўмаги билан қарийб 250 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, 300 ўринли замонавий дехқон ва тижорат бозори бунёд этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамкорлигида «Энг намунали услубий хонаси» номли кўрик-танлов ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Арманистонда президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Амалдаги президент Роберт Кочарян аввал икки бор сайлангани учун бу галги сайловларда қатнашмади. 600 нафар халқаро кузатувчилар ташриф буюрган сайловларда 9 нафар номзод президентлик учун кураш олдди. Боллетенларнинг 50 фоизи ҳисоб-китобидан сўнг ҳозирча амалдаги Бош вазир Серж Саркисян 57 фоиз овоз олиб етакчилик қилмоқда.

● Кеча мамлакатни 49 йил давомида бошқарган 82 ёшли Куба раҳбари Фидел Кастро саломатлиги туфайли истеъфого чиққани маълум қилди. Мамлакат раҳбарининг мурожаати «Гранма» газетасида чоп этилди. Унда Кастро мамлакат раҳбарлигидан кетиши ва ҳарбий қўшин қўмондони лавозимини банд қилиб турмаслигини билдирган.

● Покистондаги парламент сайлов округларининг 60 фоизига амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра Покистон мусулмонлар лигасидаги Навоз Шариф фракцияси ҳозирча Миллий ассамблеядаги 272 ўриндан 25 тасини, Панжоб парламентидаги 297 ўриндан 81 тасини эгаллаб, етакчилик қилмоқда.

● Кеча Косово парламенти мамлакат ўз мустақиллигини эълон қилганлиги муносабати билан дастлабки қонунларни қабул қилди. Айтиш керакки, БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Косово мустақиллиги бўйича ҳамон аниқ тўхтамга келолмапти. БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Косово мустақиллиги масаласи БМТ қотибияти орқали эмас, балки жаҳон ҳамжамияти тан олиши натижасида ҳал этилиши мумкинлигини таъкидлади.

● Кеча Нью-Йорк товар биржасида ўтказилган савдоаража 1 баррел нефтининг нархи рекорд даражага кўтарилиб, яна 100 долларлик чегарадан ўтди.

● Канададаги миллиардер Жим Паттисон Британиянинг «НIT Entertainment» компаниясидан «Гиннес рекордлар китоби»ни нашр этиш ҳуқуқини сотиб олди. «Гардиан» газетасининг ёзишича, айти пайтда дунёнинг юзта мамлакатига 37 тилда босилаётган ушбу китобнинг нашр ҳуқуқи тўрт нафар талабгор орасидан 60 миллион фунт стерлинг (тахминан 120 миллион доллар) эвазига канадаликка сотилган.

● АКШнинг Чили ва Калифорния университетлари ҳамкорлигида «Хабл космик» телескопи ёрдамида барча Галактикалардан узоқда жойлашган энг қадимий Галактика топилди. Шу пайтгача фанга номаълум ушбу Галактика А-1689-2D1 рақами билан белгиланди. Унинг Ердан 13 миллиард ёруғлик йили узоқлигида жойлашганлиги маълум бўлди.

● Вьетнам ўзининг Америкада ишлаб чиқарилган биринчи телекоммуникацион сунъий йўлдоши парвозга тайёрлигини ва у 10 апрелда Жанубий Америкадаги Куру космос-ромидан учирлишини маълум қилди.

ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА 19 ФЕВРАЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ҚОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНГАН ЗАУИТБЕК ТУРИСБЕКОВ ИШОНЧ ЁРЛИГИНИ ТОПШИРДИ.

Давлатимиз раҳбари элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошланган миссиясида муваффақият тилади. Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома асосида ривожланмоқда. Президент Ислам Каримовнинг 2006 йил сентябрь ойида Қозоғистонга ташрифи чоғида Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш тўғрисидаги протокол имзоланди. Президентлар раҳбарлигидаги ушбу орган ўзаро ҳамкорликка оид барча масалаларни тезкор ҳал этишга хизмат қилади. 2006 йилнинг ноябрь ойида Қозоғистон Президентининг Тошкентга ташрифи асосида мазкур кенгашнинг илк мажлиси бўлиб ўтди. 2007 йилнинг июль ойида эса Қозоғистон Бош вазири Ўзбекистонга ташриф буюрди ва кенгашнинг иккинчи мажлиси ўтказилди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий шерикларидан биридир. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард АКШ долларидан ошди. Юртимизда қозоғистонлик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 124 қўшма қорхона фаолият кўрсатмоқда. Қозоғистонда ўзбекистонлик сармоядорлар билан барпо этилган қўшма қорхоналар сони юзга яқин. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳужуматларро қўшма комиссия мунтазам равишда йиллик мажлисларни ўтказиб келмоқда.

Гуманитар соҳадаги алоқаларнинг ҳам қўлими кенг. Жумладан, Ўзбекистонда қозок, Қозоғистонда ўзбек маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Театр жамоаларининг гастроллари, бахши-оқинларнинг айтишувлари, талабаларнинг адабий ва илмий танловлари, турли бошқа маданий тadbirlar ташкил этилмоқда.

З.Турисбеков самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан мамнун эканлигини, икки дўст мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида хизмат қилишни ўзи учун юксак шараф деб билишини ва бу йўлда қучқаратини аямаслигини таъкидлади.

(ЎЗА)

ИЛГАРИГИДЕК ОМБОР УЧУН ЭМАС, БАЛКИ ХАРИДОР УЧУН МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШ, УНИ БУЙОРТМАЧИЛАРГА ТЕЗ ВА СОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАЛАБЛАРИДАН САНАЛАДИ. БУНИНГ УЧУН ЭСА АЛБАТТА, ЯНГИЛИК ЯРАТИШ ЙЎЛИДА ИЗЛАНИШ, РАҚОБАТГА ЧИДАМЛИ ВА СИФАТЛИ, ЗАМОН АНДОЗАЛАРИГА МОС МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТМОҚ ЛОЗИМ.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
 Янгиликлар, воқеалар



Саноат

ЯНГИЛИК ЯРАТИШГА ИНТИЛИШМОҚДА

«Технолог» акциядорлик жамияти таркибидagi «Технолог-технопласт» қорхонасида ана шунга асосий эътибор қаратилгани боис ҳам ўзининг қисқа фаолияти давомида харидорларга махсулот турларини кўпайтиришга, буюртмаларни муддатига сифатли бажаришга муваффақ бўлиняпти. Жамоада малакали мутахассислар жамлангани боис ҳам изланишлар кўнгилдагидек самарасини кўрсатмоқдаки, бу тайёрланган ҳар бир махсулот лойиҳасида, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда, товарларнинг харидорларга манзур бўлишида яққол сезилмоқда. Улар лойиҳа тайёрлар асқанлар замонавий усуллар асосида 150 9001-2000 сифат тизимини қўллашга эътибор қаратишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қорхонанинг ишлаб чиқариш цехларига замон талабларига жавоб бера оладиган махсус металл қирқувчи дастгоҳлар ўрнатилганини бу ерда меҳнат қилаётганларнинг ишига барака киритиб, қулайлик яратган. Бу сифатли

махсулотларни тайёрлашда ҳам, вақтни тежашда ҳам ниятда қўл келади. Ишчи-хизматчиларнинг маҳоратлари ва сай-

робарида чет элдан келтирилган дастгоҳлар учун керакли эҳтиёт қисмлари сингариларда аксини топмоқда.

Ана шундай хорижий дастгоҳлар учун бутловчи қисмларнинг ишлаб чиқарилиши кўплаб саноат қорхоналари учун яхшигина қулайлик туғдирди, мушкулларини осон қилмоқда. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли тармоқларида эса пластмасса махсулотлардан самарали фойдаланилмоқда.

Жорий йилда тadbиркорлар сифини янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида янги махсулот турларини яратиш ҳам режалаштирилган, бу борада айтиш дамда малакали мутахассислар билан ва тажрибаларини ишга солишмоқда. Зеро изланиш бесамари кетмаслиги ўз-ўзидан аён.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: цехлардаги иш жараёнида махсулот сифати асосий ўрин эгаллайди.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар



харакатлари цехларда бир маромда тайёрлаётган ностандарт технологик жиҳозлар, хилма-хил металл бутловчи қисмлар, саноатда қўлланилиши кўзда тутилган пластмасса махсулотларида ва шунинг ба-

хонадан фойдаланувчиларга электрон адабиётлар ҳам хизмат қилади.

● **ЖОРИЙ** йилда аънавий равишда мунтазам ташкил этиб келинаётган кимё фани бўйича халқаро Менделеев олимпиадаси Тошкентда ўтказилди. **КЕЧА** 28-мактабда мазкур тadbирни ўтказиш масаласига бағишлаб уюштирилган тadbирда Москвадан Тошкентга ташриф буюрган халқаро Менделеев олимпиадаси ташкилий қўмитаси аъзолари ҳам иштирок этишди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи ташаббуси билан Ёшлар йилига бағишлаб ўсмирлар ва болалар ўртасида қўл жанги бўйича ўтказилган мусобақада Усмон Юсупов, Ша-

роф Рашидов ва «Мустақиллик» маҳаллалари жамоалари беллашди.

● **ЎТГАН** куни Собир Раҳимов Политехника касб-ҳунар коллежи Ахборот ресурслари марказида «Энг иқтидорли истеъмолчи — 2008» Республика кўрик-танловининг биринчи босқичи бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида уюштирилган Ўзбекистон Миллий университети талабаларининг профессор-ўқитувчилар билан илмий-ижодий учрашуви «Ахлоқнинг ижтимоий тарққийдаги ўрни» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

● **БУГУН** Тошкент Маданият коллежининг талабалар турар жойида ўтказилган «Ҳадислар — маънавият булоғи» мавзусидаги маънавий-маърифий давра суҳбатиде коллеж ўқувчилари ва ўқитувчилари қатнашди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетиде «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан шаҳримиздаги олий ўқув юрталари «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирокида Ёшлар йилига бағишлаб уюштирилган ўқув семинари «Етакчилик хусусиятлари» деб номланди.

Кечка сатрларда

● **ВОСИТ** Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорликларида икки томонлама тиббий ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида Италиядан келган жарроҳлар иштирокида мураккаб жарроҳлик амалиёти амалга оширилди.

● **ЁШЛАР** йилига тўхфа сифатида Ўзбекистон Фанлар академияси кутубхонасида веб-сайт очилган эди. Эндиликда кутуб-

САЙЁҲЛАР ОҚИМИ КЕНГАЯДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДА САЙЁҲЛИК СОҲАСИДАГИ ХАМКОРЛИККА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси, Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ва Ҳиндистон Сайёҳлик ташкилотлари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тadbирда икки мамлакатнинг сайёҳлик соҳасида фаолият юритувчи идора ва ташкилотлари, компания ва фирмалари вакиллари иштирок этди.


Семинарда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар барча йўналишлар сингари сайёҳлик соҳасида ҳам изчил ривожланаётгани, бунда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос

бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимиз, бетакрор мейморий обидаларимиз, юртимизнинг гўзал табиати ҳар қандай сайёҳ эътиборини жалб этади. Мамлакатимизда истиқлол йилларида халқаро туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайёҳлик инфратузилмаси йил сайин тақомиллашиб, спорт, маданият, экология ва тарих билан боғлиқ туризм ривожланмоқда. Янги сайёҳ-

лик маршрутлари ишлаб чиқилиб, кўплаб замонавий меҳмонхоналар қурилаётгани, мавжуд йўллар таъмирланиб, кенгайтирилаётгани, янгилари барпо этилаётгани соҳа ривожига ижобий таъсир этаётди. Бунда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тadbirlari тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Тadbирда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболли ва икки мамлакат туроператорлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Оч ичакни тўйғизар битта ноннинг овқати, Оч кўзни тўйдиролмас бутун олам неъмат.

Ўтиргил очу бечора, яланғоч, Вале нокасга асло бўлма муҳтож.

Бошқалар молига кўнгул қўймагил, Сўнгра кўнгул узмоқ жуда ҳам мушқил.

Ваҳшат билан кўкрак керган йўлбарс ҳам, Сичқондек қопқонга тушар ем излаб.

Эй гофил, кўп ўйлаб фойдаю мол, Умринг сармоясин айлама поймол.

Ер юзининг неъматин оч кўзни тўйдиролмас, Хирмон-хирмон дон галвир кўзларин тўлдиролмас.

Май ичишар ёноқ бўлсин деб зебо, Охири у юзни қилар қахрабо.

Асали арзимас ниши захрига.

Халққа тарки дунё қил, деб ўргатар, Лекин ўзлари-чи, дону пул йигар.

Ярашган ишни қил, қўлдан келганини эмас.

Ташна одам кўзин гар босса уйку, Тушига киради бутун олам сув.

Чопқир отлар кўпи йўлда ўлиб кетди, Оқсоқ эшак манзилига бориб етди.

Аҳмоққа мақтов ёқади.

Нокасга йўл кўргазмоқ — Кўрга чироқ тутмоқдир.

Гар азизлар суҳбати бирла ўтса бир нафас, Шу нафасни бил ҳаёт ҳосили ҳам шарбати. Кўз, қулоқ, тил бўлса ҳам, барча одам бўлмагай,

Қанча кўрдим деу жин — мисли одам сурати. Хуш чиройдан ҳам башар хусни ортар-ку, фақат — Одам ўлғай шул киши бўлса гўзал сийрати.

Молу дунё яхшидур, тан шарифу жон азиз, Барчасидан ҳам баланд ёри вафодор хурмати!

Мумсик одам кулфати — молу дунё ташвиши.

Ҳамёни соф тилла тўла бўлса ҳам, Оч киши саҳрода кўёлмас қадам. Биёбонда қолган оч бечорага, Кумушдан яхшидир қайнаган шалғам.

Коврилган қуш қадр тўқлар олдида Дастурхонда пиёз, кашнич, ўтдан кам. Оч олдида ўтар товук ўрнига Куруқ сувда қайнаб пишган бир шалғам.

Дил на қилсин паст табиат бўлса тан, Ҳар маҳал эсмас шамол хоҳиш билан.

Муҳтож банд илтижода Худога қўлин очар, Тўқлигида қўлларини қўлтиққа уриб қочар.

Олтин-кумуш бўлса, едир барчага, Ўзинг ҳам роҳат қил, еб-ичиб қолгин. Сендан қолажақдир бу иморатлар, Фишлар бўлганда ҳам кумуш ё олтин.

Ўлган агар тирилиб келса, Уруғлари билан бўлса жам, Оғир эди мерос қайтармоқ Қариндошин ўлимидан ҳам.

Е, эй бадбахт, ҳеч нима аямасдан, Бадбахт ўлди йиққанини емасдан.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Кўргазмалар

ТАСВИРЛАРДА— ЗАМОНАВИЙ ЯПОНИЯ ҲАЁТИ

ШАҲРИМИЗДАГИ ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА «ЗАМОНАВИЙ ДУНЁГА НИГОҲ ТАШЛАБ: ЯПОН ФОТОГРАФИЯСИ 1970 ЙИЛЛАРДАН БУГУНГИ КУНГАЧА» МАВЗУИДАГИ КўРГАЗМА БўЛИБ ўТМОҚДА.

Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Япония фонди ташаббуси билан Тошкент фотосуратлар уйи кўмагида уюштирилган мазкур кўргазмада йигирма уч нафар япон сураткашларининг энг сара 73 та иши муҳлислар эътиборига ҳавола этилмоқда. Таъкидлаш керакки, ушбу кўргазмани ташкил этиш ва суратларни саралашда Токио Миллий музейи мутахассислари ўз хиссаларини қўшишди.

Уз номидан келиб чиққан ҳолда кўргазмадан ўрин олган фотосуратларда япон ҳаёти ва табиатининг деярли қирқ йиллик даври бетакрор тарзда муҳрланган. Яъни икки қисмдан ташкил топган экспозициянинг биринчисидан инсоннинг жа-



мият ўзгаришларидаги ўрни мушоҳада этилган бўлса, «Ўзгариётган ландшафтлар» бўлимида шахслар ҳаёти ва табиат гўзалликлари ўз аксини топган. Ана шу йўсинда кўргазмага ташриф буорётган кўнчиқар мамлакат ҳаётига қизиқувчи томошабинлар Японияда улкан иқтисодий ўсишлар даврида рўй берган ўзгаришлар билан жамият ва инсон ҳаётининг турли қирралари орқали танишишлари мумкин.

Ушбу қизиқарли кўргазма бешинчи мартга қадар давом этади.

(Ўз муҳбиримиз).

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа. Алексей Попов олган сурат

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

КИНОЧИЛАР УЙИДА ДАВРОН АБДУЛЛАЕВ ТОМОНИДАН СУРАТГА ОЛИНГАН «АФОН ГИРДОБИ» ФИЛЬМИНИНГ ПРЕМЬЕРАСИ БўЛИБ ўТДИ.

Мазкур фильм Ўзбекистон Миллий агентлиги бююртмасига биноан «Санъат-маъно» студияси томонидан суратга олинган. Фильмда бош мавзу гиёванд моддалари билан шуғулланувчи шахслар ҳаётига бағишланиб, уларнинг хатти-харакати, ўз ишига бошқаларни қай тарзда жалб этиш хусусиятлари моҳирона очиб берилган.

— Гиёвандлик балоси жуда катта муаммолардан бири ҳисобланади, — деди томошабин Шавкат Жураев. — Турли алдов йўллари билан пул топши илминжида бу йўлга кириб қолаётган ёшлар ва аёлларнинг аянчли аҳоли тўла-тўқис кўрсатиб берилган. Ушбу фильмни томоша қилган ҳар бир инсон ўзинга тегшли хулосани чиқариб олади.

Дарҳақиқат, фильмда гиёвандлик — бу офат эканлиги актёрлар томонидан моҳирона ижро этилган образларда яққол ифодасини топган, десак муболага бўлмайди. Ноқонуний даромад эгаларининг ҳаёти қанчалик кайфу сафо, мўмайгина маблагдан иборат бўлмасин, улар ботқоққа ботиб кетаётган ожиз кимсалардир. Улар ҳар ўтган сонияда кимнидир захарлашга ҳаракат қилиб, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган, оқибатини ўйламайдиган худбин инсонлар эканлигини томошабин ўз кўзи билан кўради.

Фильмда кино санъатидаги устоз ижодкорлар Пўлат Саидхосимов, Мурод Ражабов, Эркин Комиллов, Хосият Хусановалар билан бирга ёш актёрлар ҳам ўз истеъодларини намойиш этган. Айни пайтда «Афон гирдобини» фильмининг поштахитимиз кино саройларида намойиш этилмоқда.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Кунлардан бир кун

ТАКЛИФЛАР МУЗЕЙИ

Тарихчи, элшунос олим Билал Аминов — куйди-пишди, жонқуяр инсон. У халқимиз тарихи, қадриятлари, бетакрор урф-одатлари ҳақида қўлаб қўлаб илмий-оммабоп мақолалар, рисодалар, китоблар чикарган. Олим матбуотда тақлиф-мулоҳазаларини баён қилишдан, жойларда турли тадбирлар ўтказишдан эринмайди. Унинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» га-

зетасида «Кўлги музейи очилса» деган ихчамгина тақлифи каминанинг саъй-ҳаракати билан «Шум боланинг чойхонаси» саҳифасида чоп этилиб, узоқ вақт кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама бўлган. Қизғини шундаки, Билал ақанинг тақлифлари мутасаддилар диққат-эътиборига тушар, юқоридан қўлаб-қувватланар, аммо аксарият ҳолларда натижа бўлмас

(илгариги даврга хос хусусият) эди. Бундан олим умидсизликка тушмас, энг шимариб яна энг тақлиф-ташаббус билан чиқаверар эди. Ахир у бир кун «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳарририга саъй-ҳаракатлари беҳуда кетаётганидан нолиб қолади. Хазилин нолик илғайдиган, ўзи ҳам ҳажвий асарлар ёзадиган бош муҳаррир олимга далда бериб, шундай дейди: — Хафа бўлманг, Билал ака, Худо хоҳласа энди ўзингизга алоҳида тақлифлар музейи очиб берами!

Шодмон ОТАБЕК

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг №10-0719/16200 иши юзасидан 06.02.2008 йил ҳал қилувчи қарори билан Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 327-б-ўйда жойлашган ЁАЖ «НОВАС—ТАРО» қўшма корхонаси СТИР 202589043, ХХТУТ 13142 банкорт деб эълон қилинган ва олти ойлик муддат билан тугатишга доир иш юритишга очилган. Суд муҳокамаси 2008 йил 6 август кунин Тошкент шаҳар Хўжалик судининг Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-ўйда соат 10.00га тайинланган. Суд бошқарувчиси этиб, 3 тоифа суд бошқарувчиси гувоҳномасига эга бўлган Мусоҳоний Алишер Ғолибжон ўғли тайинланган. Кредиторларнинг талаби ушбу эълон чоп этилгандан сўнг икки ой ичида қабул қилинади.

ЁАЖ «НОВАС—ТАРО» қўшма корхонаси кредитори йиғилиши 2008 йил 27 февраль кунин соат 10.00да акциядорлик жамиятининг маъмурий биносида ўтказилади.

Кредиторлар йиғилишининг кун тартиби:

- 1. Тугатиш жараёнини ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан олиб бориш тўғрисида.
2. Тугатиш бошқарувчисига ҳақ тўлаш миқдори ва ҳаражатларни қоплаш тўғрисида.
3. Қардорнинг мол-мулкни (актив)ларини нарх-лашда баҳолаш компаниясини жалб этиш тўғрисида.
4. Тугатиш жараёнида ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш.
5. Тугатишга доир иш юритишнинг режасини келишиш ва маъқуллаш тўғрисида.
6. Кредиторлар талаби реестри тўғрисида.
7. Қардорнинг мол-мулкни реализация қилиш тартибини белгилаш тўғрисида.
8. Турли масалалар.
Маълумотлар учун тел: 294-56-67, 155-60-36.
Хатлар учун: 100000, Тошкент шаҳри, Бошпочтамт, а/к №375

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

21 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА
Куннинг рамизи «Қабутгар» бўлиб, мунажжимлар уни илк қалб мусофоллига қайтиш кунин деб тавсифлашган. Ўзгаларга ахшилик қилиш билан сиз уларни эзгуликка ошно қиласиз. Фестивал тадбирлари, саёхатлар, уй-жой ва ер билан боғлиқ амаллар хайрли бўлади. Соч олдириш мумкин.

Тартиблилик, мулоҳазалилик ва тиришқоқлик ижодий ишларда муваффақият келтиради. Мантқиқ дилларингиз ва соғлом фикрингиз билан, шунингдек, оқилонга соғлом фикрли кишилар билан муносабатларда илтифотлигингиз билан одамларнинг ишончини қозонишингиз мумкин.

Ошқозон-ичак йўллари заифлашган ҳолатда бўлади. Гигиена ва овқатлар сифатига эътибори бўлиш талаб этилади. Қорин бўшлиғида жарроҳлик операциялари ман этилади: улар асорат қолдириши мумкин. Бугунги кун тери касалликларини даволаш, косметик муолажаларни амалга ошириш, пластик операцияларга тайёргарлик қилиш учун энг қўлай пайт ҳисобланади. Тушларингиз бу кеча икки хил бўлиши мумкин — яъни ёқимли ва ноқуш. Ёқимли тушлар ноҳуснидиги ҳамма ишларингиз тўғри йўлдан бораётганини билдиради. Хош тушлар эса, ҳаётингизда уйғунликлар этишмаётганингиздан огоҳлантиради: мазкур ҳолат устида ўйлаб кўришингиз керак.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича худудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонга қўқилиш мурожаат қилишингизни сўраймиз. Худудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Advertisement for Uzbekistan Republic Madaniyat va Sport Ishlari Vazirligi. Features a photo of a building and a crocodile. Text: «Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси. мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунлари «СУВДАГИ ЦИРК». ДАСТУРДА: Еш манеж усталари, қувноқ масҳарабозлар, шунингдек, ўргатилган хайвонлар — тимсоҳ, илонлар, маймунлар, кучуқчалар, каптарларнинг чиқишлари. Фаввораларнинг бетакрор отилиши ЧИПАЛАРНИ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!!! Томошалар соат — 12.00, 14.00, 16.00 ва 18.00 да бошланади. Ҳақ хар хил усулда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

Advertisement for Akmal Akromov. Text: Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Бююртма Г-106

Advertisement for newspaper. Text: Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2. ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Advertisement for Sharq newspaper. Text: Нашрни отқазиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтачига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босхонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6